

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING
61 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

28 декабр 2023 йил

Тўлиқ номи: “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

Қисқартирилган номи: “InFinBank” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Акциядорлар умумий йиғилиши тури: Навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:

Тегишли материалларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориши. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиши ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг 2023 йил 06 декабрдаги 98-сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси: 2023 йил 28 декабр

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиш тугаган вақти: соат 16:30

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги Корпоратив ахборот ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2023 йил 06 декабр санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

Умумий йиғилишда қатнашдилар:

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Ҳаммаси, шу жумладан		594 024 745	100,00%
Жисмоний шахслар:		472 836 854	79,59%
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, IV 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	421 726 354	70,99%
Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович	ID карта AD 1924125, IV 26296 томонидан, 26.10.2022 йилда берилган.	29 690 500	4,99%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан	21 420 000	3,61%

	04.07.2015 йилда берилган.		
Юридик шахслар:		121 187 891	20,39%
“Prestij Rielt” МЧЖ	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD 5441644, ПIV 26296 томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).	73 085 289	12,30%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадиров Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, ПIV 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	48 102 602	8,09%
Ҳаммаси, шу жумладан		594 024 745	100,00%

2023 йил 24 август ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 594 024 745 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 594 024 745 донани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк Кенгаши раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджоновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Рахматуллаева Лола Уткировна**ни, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Илхам Рустамович** ва **Маматджанов Фарход Фахритдиновични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш Раиси:	Банк Кенгаш Раиси Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович
Йиғилиш Раёсати:	Банк акциядорлари Маматджанов Фарход Фахритдинович Юлдашев Илхам Рустамович
Йиғилиш Котиби:	Корпоратив консультант Рахматуллаева Лола Уткировна
Таклиф этилганлар:	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. Банк бошқарув раисининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
3. Банк бошқарув раисини сайлаш;
4. Кенгаш аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
5. Банк Кенгаши таркибига сайлов ўтказиш;
6. Банкнинг 2023 йил III-чорак якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
7. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
8. Банкнинг ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Саноқ комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1-масала. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 20 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 10 дақиқа.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. “Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 20 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2-масала. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банкнинг бошқарув раиси Бобур Нодирханович Бурханов томонидан 2023 йил 30 октябрда ваколатини 2023 йил 29 декабрдан муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ариза киритилганлигини ва унинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши лозимлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 489-моддасига кўра ташкилот раҳбари ўз ташаббусига кўра муддати тугашидан олдин муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда иш берувчини икки ой олдин ёзма шаклда огоҳлантириши кераклиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг

ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бошқарув раиси Бобур Нодирханович Бурхановнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилган.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. *“InFinBank” АЖ бошқарув раиси Бобур Нодирханович Бурхановнинг ваколати муддатидан илгари 2023 йил 29 декабрдан тугатилсин.*

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бегараф – йўқ.

3-масала. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк бошқарув раислигига сайлаш учун Банк бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Нуманова Ольга Леонидовна номзодини кўриб чиқишни тавсия қилди.

Нуманова Ольга Леонидовна, 1996 йилдан бери банк соҳасида ишлаб келишини ва банк соҳасида катта тажрибага эга эканлиги, “InFinBank” АЖдаги меҳнат фаолиятини 2009 йилдан бошлаганлиги айтиб ўтилди. 2013 йилдан “InFinBank” АЖ бошқарув раиси ўринбосари ва 2018 йилдан ҳозирги пайтгача “InFinBank” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмокдалигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради. Шунингдек, “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Банк, бошқарув аъзоси ҳамда муҳим аҳамиятга эга ҳодимларнинг бошқа лавозимга ўтказилиши ва (ёки) улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши натижасида бўшаб қолган лавозимларга мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Муҳокама давомида, акциядорлар томонидан Банк бошқарув раислигига таклиф этилаётган Нуманова Ольга Леонидовнага 2024 йил 03 январдан бошлаб бошқарув раиси вазифасини, унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олингунига қадар, бажаришни вақтинча юклатиш ва Нуманова Ольга Леонидовнани Банк бошқарув раислигига тайинлаш таклиф этилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3.1. *“InFinBank” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариш 2024 йил 03 январдан бошлаб Нуманова Ольга Леонидовнага, унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олингунига қадар, юклатилсин;*

3.2. *Нуманова Ольга Леонидовна, унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, “InFinBank” АЖ бошқарув раиси этиб тайинлансин.*

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

4-масала. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банкнинг амалдаги Кенгаш аъзоси Г.М.Чумичев томонидан 2023 йил 25 ноябрда Кенгаш таркибидан чиқиш тўғрисида ариза киритилганини ва унинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши лозим эканини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатида эканлиги таъкидланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Кенгаш раиси Банкнинг Кенгаш аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилган.

Муҳокама давомида, акциядорлар томонидан Банк кенгаши аъзоси Чумичев Глеб Модестовичнинг ваколатини 2023 йил 29 декабрдан муддатидан илгари тугатиш таклиф этилди.

Шундан сўнг, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4. “InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоси Чумичев Глеб Модестовичнинг ваколати 2023 йил 29 декабрдан муддатидан илгари тугатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5-масала. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият уставини билан белгиланади. “InfinBank” АЖ Уставига асосан Банк кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 129-бандига асосан Банк кузатув кенгаши аъзосининг бўшаб қолган лавозимларга, уларнинг сони Банк Уставига белгиланган миқдордан 75 фоиз ёки ундан камини ташкил этса ва (ёки) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган энг минимал талабдан камроқни ташкил этса, қисқариш натижасида уларнинг миқдори жуфт сонни ташкил этса, мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Банк акциядори Ахмаджанов Азиз Нигмаджанович (4,99% улушга эга) томонидан 2023 йил 28 ноябрда Банк кенгаши таркибига сайлаш учун Бурханов Бобир Нодирханович

(“InFinBank” АЖ бошқарув раиси, Банк акциядори эмас) номзодини киритиш таклиф қилинган.

Шунингдек, Банк бошқарув раиси Бурханов Бобир Нодирханович томонидан 2023 йил 30 октябрда ўз хоҳишига кўра 2023 йил 29 декабрдан Банк бошқаруви раислигидан кетиш тўғрисида ариза топширилгани ва Банк кенгаши томонидан унинг аризаси кўриб чиқилиб, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ва Бошқарув раислигига сайлаш учун номзод акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилгани айтилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Бурханов Бобир Нодирханович номзоди Банк кенгаши таркибига сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилди, ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, кенгаш аъзолари уч йил муддатга сайланиши эслатиб ўтилди.

Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан апрофлича ўрганилди ва Банк кенгаши таркибига киритиш учун таклиф этилаётган номзод Бурханов Бобир Нодирхановични 2024 йил 03 январдан бошлаб Банк кенгаши таркибига киритиш лозимлиги айтилди. Шундан сўнг, йиғилиш Раиси томонидан ушбу масала бўйича тегишли тартибда овоз бериш сўралди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

Бурханов Бобир Нодирханович - 594 024 745 та овоз.

6-масала. Банкнинг 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаевга сўз берди. Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Банкнинг 2023 йил III-чорак якунига кўра 67 025 964 622,28 сўм соф фойда олинганини айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Дивидендлар тўлаш сиёсатига мувофиқ, Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлилиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Йиғилиш раиси Банк Кенгаши томонидан Банк акциядорлари умумий йиғилишига Банкнинг 2023 йил III-чорак якунига кўра олинган 67 025 964 622,28 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилганлигини маълум қилди:

- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан Умумий захира фондига – 10 000 000 000,00 сўм ўтказиш;
- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан 45 000 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш.
- 2023 йил III чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 75,75 (етмиш беш сўм етмиш беш) тийиндан дивиденд тўлаб бериш:
- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб бериш;
- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2023 йил 28 декабр этиб белгилаш;
- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 25 феврал этиб белгилаш.
- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилаш.
- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан қолган қисми - 12 025 964 622,28 сўм акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилинганга қадар тақсимланмасдан қолдириш.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

6.1. Банкнинг 2023 йил III-чорак якунига кўра олинган 67 025 964 622,28 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлансин:

- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан Умумий заҳира фондига – 10 000 000 000,00 сўм ўтказилсин;

- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан 45 000 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин.

6.2. 2023 йил III чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 75,75 (етмиш беш сўм етмиш беш) тийиндан дивиденд тўлаб берилсин:

- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2023 йил 28 декабр этиб белгилансин;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 25 феврал этиб белгилансин.

6.3. Банк акциядорлари уларга хисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

6.4. 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан қолган қисми - 12 025 964 622,28 сўм акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бегараф – йўқ.

7-масала. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаевга сўз берди. Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига банкнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган баъзи бир ўзгартиришлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 18.04.2023 йилдаги “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида”ги 3427-сонли Низоми талабларига асосан кузатув кенгаши таваккалчилик бўлинмасини бошқаришга масъул таркибий бўлинмани ташкил этиши ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаши кераклиги ва ушбу бўлинма кузатув кенгашига ва таваккалчиликларни бошқариш кўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) бевосита бўйсунуши таъкидлаб ўтилган. ““InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан Таваккалчиликни бошқариш департаменти ва Комплаенс назорат департаментларини ташкил қилиш, ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, раҳбарларини, шунингдек, Банкнинг бошқа муҳим аҳамиятга эга ходимларини ҳамда Банкнинг муҳим аҳамиятли Департаментлар раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавозимдан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек улар фаолиятини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга асосан, Кенгаш ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун кенгаш томонидан махсус кўмиталар ташкил қилиниши ва уларнинг иш фаолияти йўлга қўйилиши лозим. Шунга асосан, Банкда таваккалчиликни самарали бошқариш мақсадида кенгаш таваккалчиликларни бошқариш кўмитасини ташкил этиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига кўра, Таваккалчиликларни бошқариш кўмитасини (бундан буён “Кўмита”) ташкил этиш мажбурий эмаслиги ҳамда

Таваккалчиликларни бошқариш департаменти Банк Кенгашига бевосита бўйсунуши ва ҳисобдорлигидан келиб чиқиб, Қўмита ва Таваккалчиликларни бошқариш департаменти ваколатларининг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида Қўмитани тугатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг Банк номи ўзгарганлиги тўғрисидаги Қарорига (15.04.2023 йилдаги 10/06-сонли) мувофиқ, Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилгани айтилди ва йиғилиш қатнашчиларидан Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан 1-иловага танишиб чиқиш сўралди.

Йиғилишдаги акциядорлар Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

7. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2024 йил 01 январдан кучга киритилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

8-масала. Банкнинг ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаевга сўз берди. Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банк фаолиятининг асосий тамойилларини белгиловчи ва зарур йўналишларини мувофиқлаштирувчи “InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Банк Кенгашининг тавсияларига таяниб, банкни стратегик бошқаришда унинг самарадорлигини ошириш ва замонавий корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш мақсадида, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари бўлган тегишли низомларни, ҳамда киритиладиган ўзгаришларни акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш зарурлигини маълум қилди.

Банкнинг ички низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисида”ги Низоми, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Шундан сўнг, йиғилишдаги акциядорларга “InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низоми лойиҳаси билан 2-иловага мувофиқ танишиб чиқиш таклиф этилди.

Акциядорлар Банк кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳаси билан танишиб чиқгач, йиғилиш раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз беришни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин

Овоз бериш натижалари:

Рози – 594 024 745 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 20 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. “InFinBank” АЖ бошқарув раиси Бобур Нодирханович Бурхановнинг ваколати муддатидан илгари 2023 йил 29 декабрдан тугатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3.1. “InFinBank” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариш 2024 йил 03 январдан бошлаб Нуманова Ольга Леонидовнага унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олингунига қадар юклатилсин;

3.2. Нуманова Ольга Леонидовна, унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, “InFinBank” АЖ бошқарув раиси этиб тайинлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4. “InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоси Чумичев Глеб Модестовичнинг ваколати 2023 йил 29 декабрдан муддатидан илгари тугатилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

5.1. Банк кенгаши таркибига Бурханов Бобир Нодирханович 2024 йил 03 январдан бошлаб уч йил муддат якунига кўра ўтказиладиган йиллик умумий йиғилишгача сайлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

6.1. Банкнинг 2023 йил III чорак якунига кўра олинган 67 025 964 622,28 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлансин:

- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан Умумий захира фондига – 10 000 000 000,00 сўм ўтказилсин;
- 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан 45 000 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин.

6.2. 2023 йил III чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 75,75 (етмиш беш сўм етмиш беш) тийиндан дивиденд тўлаб берилсин:

- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;
- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2023 йил 28 декабр этиб белгилансин;
- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 25 феврал этиб белгилансин.

6.3. Банк акциядорлари уларга хисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

6.4. 2023 йил III чорак якуни бўйича соф фойдадан қолган қисми - 12 025 964 622,28 сўм акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

Қун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

7. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2024 йил 01 январдан кучга киритилсин.

Қун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

8. InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “29” декабр 2023 йил.

Йиғилиш раиси

А.Н. Ахмаджанов

Йиғилиш котиби

Л.У. Рахматуллаева